

XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЛМИЙ – АДАБИЙ МУХИТНИНГ АКС ЭТИЛИШИ

**У.Т.Камолов., Қизилтепа тумани Мактабгача ва
мактаб таълими бўлими бошлиғи**

Бухоро амирлигида аҳоли ижтимоий аҳволи юқори даражада бўлмасада, олишга чанқоқлик турли табақа ва қатламларга жуда кучли эди. Мамлакатда маънавият ўзига хос юксак бўлиб, халқнинг бағрикенглиги мусаффо табиати маданияти ва маънавиятида ўз аксини топган эди. Илм олишга бўлган талабни Бухоро шаҳрида 300 дан ортиқ мадрасаларни фаолият кўрсатгани буни яққол мисолидир.

Муҳаммад Али Балжувоний¹ ва Садри Зиёнинг² хабар беришича, Бухорода мадрасалар олий, ўрта ва қуйи тоифаларга бўлиниб, уларнинг сони 204 та эди. Садриддин Айний эса Бухорода 300 мадраса борлигини айтади.

Улардаги маъмурий ташкилий ишлар, дарсхонлик амал даражаларига қараб ҳам ташкил этилган.

Садри Зиёнинг ёзишича, XIX асрнинг охирларида Бухоронинг уламолари амир томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан тақдирланиб турилган. Шахсан амирлар илғор уламоларга “Садр”, “Судур”, “Ўроқ” деб аталган қуйи, ўрта ва олий диний илмкор унвони билан тўн ва амир муҳри босилган муборакнома бериб тақдирланганлар. Шунингдек, шоир, ёзувчи, тарихчи олимларни етиштириб беришда ниҳоятда катта роль ўйнаган. Абдурауф Фитратнинг ёзиб қолдиришича XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида Бухорода олий, ўрта ва қуйи тоифадаги мадрасаларнинг сони 200 га яқин бўлган. Аммо, Садри Зиё ўзининг “Зикри асомини мадораси доҳила Бухорои Шариф” (“Бухорои Шарифдаги мадрасалар ҳақида”) ва “Зикри асомаи масоҷиди доҳилаи Бухорои Шариф” (“Бухорои Шарифдаги масҷидлар ҳақида”)³ деган

¹ Муҳаммад Али Балжувоний. “Тарихи Нофеий”, “Академия”, Тошкент., 2001 йил.

² Садри Зиё. “Наводири Зиёия”, Душанбе, “Адиб” 1991 йил.

²⁰ Садри Зиё. “Наводири Зиёия”. Душанбе, “Адиб”, 1991. 104 бет

²¹ Ш.Воҳидов, З.Чориев. Садр-и Зия и его библиотека. Ташкент. “Янги аср авлоди”, 2007 й, 27-

асарларида Бухоро шаҳрида 204 Мадраса ва 223 та масжид бўлганлигини улардаги хужраларнинг сонигача аниқ кўрсатган. С.Зиё мадрасаларнинг қаерда жойлашгани, қурилган йилигача маълумотларни тўлиқ келтирган. Бизнингча, давлат арбоби С.Зиёнинг келтирган Мадраса ва масжид ҳақидаги маълумотларини тўлиқ ва уни аниқ маълумотлар деб қабул қилиш лозим.⁴

Барча олий мадрасаларда касблари маъмурлик бўлишига қарамай, эшон-қози ул - қуззат, эшон - раиси калон, эшон - шайх ул - ислом, эшон - охун, эшон - аълам ва эшон - муфти аскар дарс берганлар. Мадрасаларда шариат фатволари тўғрисида дарс берувчи муфтилар ҳам бор эди. Улар ўрта даражадаги мударрислар эдилар. Бу муфтилар ўроқлик мансабига, садр, судур, шайх ул-ислом, нақиблик, мири асадлик, мансабларига етишганлар. Аммо бу муфтилар умумий имтиҳондан сўнг “Ҳидояи Шариф”ни ўқиб тугатишлари билан амир буйруғига кўра даҳяк (ушр)га эга бўлганлар.

Мударрисларнинг бошқа жамоаси банораспўшлар бўлган. Улар муфтийлик мансабига эришганлар. Мударрисларнинг яна бир тоифаси (паст даражадаги) “бекасампўшлар” дейилган. Уларнинг айримлари ҳам муфтилик даражасига эришганлар. Сайиддар (хўжалар) Бухоронинг мўътабар аҳли ҳисобланиб, уларга ҳам амалдорлар каби қўш ва танҳо ажратилган. Улар ҳам судурлик, садрлик, мирасадлик, нақиблик мансабларига қўйилган.

XIX асрнинг охирида Бухоро амирлигида илмий-бадий ижодкорлар анчагина эди. Уларнинг барчаси мадрасаларни битирган, мударрис ёки бошқа маъмурий ишларда ҳам ишлар, айримлари эса фақат бадий ижод билан шуғулланар эдиларки, булар амирлик маънавий дунёсининг пешқадамлари эдилар. Қизиғи шундаки, бу ижодкорлар орасида амирзодалардан Мир Муҳаммад Сиддиқхон “Ҳашмат” (1862-1927) Саййид Муҳаммад Носир (1925 йилда вафот қилган) амир Музаффархоннинг ўғли, Саййид Нуриддинхон ибн амир Музаффар шоирлик лақаби “Хайа”, Саййид амир Аҳадхон адабий лақаби “Ожиз”, бўлиб адабий ижод билан шуғулланганлар.

Шеърятга қизиқувчилар шу қадар кўп эдики, янги ёзилган яхши шеър бир

кунда Бухорога (қўлда кўчириб ёзиш йўли билан) тарқалиб, ундан кўпчилик хабардор бўлар эди. У пайтда китоблар хаттотлар томонидан қўлда кўчирилар ва чиройли муқоваланар, бундай китоблар харидоргир бўлар эди. Китобларни ҳам маънавий, ҳам моддий бойлик деб ҳисобловчи китобсевар (хобби)лар хаттоки ўзларининг шахсий кутубхоналарига ҳам эга эдилар. Китоблар ниҳоятда қиммат бўлганлиги боис уларни ҳамма ҳам сотиб олиши қийин эди. Китобларнинг қиммат эканлиги хусусида С.Айний гапириб, “Мен Аҳмад Маҳдум кўчириб, расм ва лавҳалар билан беаган бир “Юсуф ва Зулайҳо”ни ўша вақтда уч юз пуд буғдойга сотилганини кўрган эдим”⁵ - деган эди.

Бухоро шахри аҳолиси, китоб ишқибозлари, Мадраса муллобаччалари учун амир маъмурияти амир Аҳадхон, амир Олимхон ҳукмронлиги даврида Жаъфархўжа, Гавкушон, Хожаниҳол, Кўкалдош, Абдулазизхон, Мирзо Улуғбек, Бадалбек, Дор уш-шифо, Бозори ғўсфанд, Болои ҳавз, Жўйбор каби ерларда кутубхоналар ташкил этилган бўлиб, бу кутубхоналарга бир йиллик вақф даромади анча маблағни ташкил этар эди.⁶ Энг кўп вақф даромади Жаъфархўжа кутубхонасига тўғри келар эди. Унинг йиллик вақфи 18 минг танга бўлган. Аҳмад Дониш муфтиликдан истеъфога чиққандан кейин Жаъфархўжа кутубхонасининг мудирини бўлиб умрининг охиригача ишлади⁷.

Халқнинг маънавиятини бойитишда шаҳар ва қишлоқларда доимо бўлиб турадиган “Бедилхонлик”, “Машрабхонлик” мактабларининг аҳамияти катта эди. Бобораҳим Машрабнинг гўзал кўшиқларини Савт, Талқин, Муножот каби куйларга солиниб машрабхонлик кечаларида айтилган. Хусусан Бухоро шаҳрида машрабхонликда номи чиққан Бадал - каллашикан деган кўшиқчи доирада усул бериб Бобораҳим Машраб кўшиқларини маромига етказиб ижро қилган⁸ ва шинавандаларда катта таъсурот қолдирган. Қаландарлар, маснавийхонлар, бедилхонлар, машрабхонлар Аҳмад Яссавий (1041-1167 й), Абдурахмон Жомий (1414- 1492 й.), Алишер Навоий (1441-1501 й), Бобур (1483-1530 й), Бобораҳим

⁵ С. Айний. Асарлар. 6-жилд. “Эсдаликлар”. Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти. 1965 йил, 30- бет

⁶ А.Фитрат. Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 2000 йил, 113- бет.

⁷ С.Айний. Асарлар. 6-жилд, “Эсдаликлар”, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти.1965 йил, 31- бет.

⁸ Ўша асар. 82-83 бетлар.

Машраб (1660-1711 й), **Сўфи** Оллоёр (1644-1724 й) ва бошқа шоирларнинг диний, диний-ишқий, мумтоз бадиий асарларида инсоф ва тавфиқли бўлиш, бировни алдамаслик, фирибгарлик, тухматчилик, ифво, бўҳтой, ғийбат, ўғрилик, порахўрлик, фахш билан шуғулланмаслик, шайтоний йўлдан эмас, малаконий йўлдан юриш каби умуминсоний тарбия ғояларини ташвиқ қилиб одамларни комилликка даъват қилган эдилар.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Бухородаги мадрасалар уламоларни, шунингдек, шоир, ёзувчи, тарихчи олимларни етиштириб беришда ниҳоятда катта роль ўйнаган. Абдурауф Фитратнинг ёзиб қолдиришича XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида Бухорода олий, ўрта ва қуйи тоифадаги мадрасаларнинг сони 200 га яқин бўлган. Аммо, Садри Зиё ўзининг “Зикри асомини мадораси доҳила Бухорои Шариф” (“Бухорои Шарифдаги мадрасалар ҳақида”) ва “Зикри асомаи масожди доҳилаи Бухорои Шариф” (“Бухорои Шарифдаги мачитлар ҳақида”)⁹ деган асарларида Бухоро шаҳрида 204 Мадраса ва 223 та масжид бўлганлигини улардаги хужраларнинг сонига аниқ кўрсатган. С.Зиё мадрасаларнинг қаерда жойлашгани, қурилган йилигача маълумотларни тўлиқ келтирган. Бизнингча, давлат арбоби С.Зиёнинг келтирган Мадраса ва масжид ҳақидаги маълумотларини тўлиқ ва уни аниқ маълумотлар деб қабул қилиш лозим.¹⁰

Амир Абдулаҳадхон давлат равнақи учун маорифнинг салмоғи нечоғлик эканлигини англаб етгани учун ҳам Исмоилбек Гаспиралининг янги усул мактабларини очиш ҳақидаги таклифини қабул қилди ҳамда отаси номи билан аталувчи “Музаффария” жаҳид мактабини очишга руҳсат берди. Мактаб 1904 йил Бухорода очилди¹¹.

Шўролар даврида кўпгина нашр этиладиган ижтимоий-сиёсий адабиётлар Бухоро мадрасалари ишини пучакка чиқариб, уларни корихоналар дейишар, халқни эса ялпи саводсизга чиқарган эдилар. Биз бу даъволарнинг асоссиз эканлигини, халқни саводли қилиш, маънавиятини кўтаришда уларнинг мавқеи улкан

²⁰ Садри Зиё. “Наводири Зиёия”. Душанбе, “Адиб”, 1991. 104 бет

²¹ Ш.Вохидов, З.Чориев. Садр-и Зия и его библиотека. Ташкент. “Янги аср авлоди”, 2007 й, 27- бет.

¹¹ С.Иноят, Х.Тўраев, О.Хайитова. Амир Абдулаҳадхон даврида Кармана, Тошкент “Шарқ”. Матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2004 йил. 24 - бет.

эканлигини исботловчи қатор мадрасалар ҳақида айна шу даврда яшаб фаолият юритган кишиларнинг бизга қолдирган маънавий меросларига асосланиб, ўринли хулоса чиқардик деб ҳисоблаймиз.